



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 6 » dekabr

№ 738

Toshkent sh.

### **Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек автомобиль транспортида йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан йўловчи ташиш йўналишларини очик тендерлар орқали ташувчиларга бириктириш бўйича электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – электрон ахборот тизими) ишлаб чиқилганлиги ҳамда Тошкент шаҳрида “тест режимида” ишлатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

республикада йўловчи ташиш йўналишларини очик тендерлар орқали ташувчиларга бириктириш бўйича электрон ахборот тизими **2022 йил 1 январдан 1 мартга қадар “тест режимида” жорий этилади** ва **2022 йил 1 мартдан** тўлиқ ишга туширилади;

**2022 йил 1 мартдан** бошлаб шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади;

тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги** низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) (кейинги ўринларда – шаҳарлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича **очик тендерларни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий тамойиллари;**

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича **тендер таклифларининг таркибига қўйиладиган талаблар, таклифларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш мезонлари;**

шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича **очик тендер ғолибини аниқлаш, очик тендер ғолиби билан шартнома тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.**

**4. 2022 йил 1 январга қадар** Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда электрон ахборот тизимини Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган автотранспорт воситалари, автотранспорт ижара шартномалари ва йўл-транспорт ҳодисалари, ташувчилар номига расмийлаштирилган кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар базалари билан ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

5. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳудудларда жамоат транспорти тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқисин ва **2022 йил 1 июлга қадар** белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Бунда барча йўловчи ташиш йўналишлари тармоғини аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, ҳаракатланувчи таркибни босқичма-босқич янгилаш, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда шаҳарларда барқарор йўловчи ташиш транспорт тизимларини яратиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мазкур қарорнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида ташувчилар ўртасида мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб борсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “6” декабрдаги 738 -сон қарорига  
1-илова

**Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очиқ тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очиқ тендерларни (кейинги ўринларда – тендерлар) электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот тизими** – йўловчи ташиш йўналишларини очиқ тендерлар орқали ташувчиларга бириктириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус электрон платформа;

**ваколатли орган** – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаси;

**мунтазам йўналиш** – автотранспорт воситаларининг тасдиқланган йўналиш схемаси, ҳаракатланиш жадвали, йўл ҳақи тарифларига мувофиқ муайян манзиллар оралиғида белгиланган қатнов йўли (кейинги ўринларда – йўналиш);

**лот** – тендерда эълон қилинган йўловчи ташиш йўналиши (йўналишлар пакети, йўналишнинг алоҳида жадвали (муайян қатнови);

**ташувчи** – мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат шартлари асосида йўловчилар ва багаж ташиш хизматларини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик шахс;

**талабгор** – тендерда қатнашиш истагини билдирган ташувчи;

**қатнашчи** – тендерларда қатнашиш учун таклифларни ахборот тизими орқали тақдим этган талабгор;

**тендер ғолиби** – лот бўйича тақдим этган таклифлари баҳолаш натижаларига кўра энг кўп баллар тўплаган тендер қатнашчиси;

**шартнома (контракт)** – ташувчи ҳамда ваколатли орган ўртасида оммавий оферта шаклида муайян муддатга тузиладиган, йўналишда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи юридик ҳужжат;

**йўналиш паспорти** – йўналиш тўғрисидаги асосий маълумотларни тавсифловчи ҳужжат;

**йўналиш (лот) талаблари** – йўналиш паспорти асосида ваколатли орган томонидан шакллантириладиган, йўналишда хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари акс этган маълумотлар.

3. Қуйидагилар йўловчилар ташиш йўналишлари тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиш, йўналишларни вақтинча бириктириш ва тендер ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ўртасидаги ҳамда халқаро йўналишларда (кейинги ўринларда – шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишлар) – Транспорт вазирлиги;

шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда ва Қорақалпоғистон Республикаси доирасидаги йўналишларда (кейинги ўринларда – шаҳар ва вилоят ички йўналишлари) – Транспорт вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари.

4. Ваколатли органнинг тендерларни ташкиллаштириш ва ўтказиш доирасидаги асосий ваколатлари қуйидагилар ҳисобланади:

тегишлилиги бўйича йўналишларни очиш, ёпиш ҳамда ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш;

йўналишларнинг паспорти ва талабларини ишлаб чиқиш ва ахборот тизимига киритиш;

ўтказиладиган тендерлар тўғрисидаги эълонларни (лотларни) ахборот тизимига ҳамда оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш;

тендер ғолибининг лот бўйича таклифлар кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш;

тендер ғолибининг ҳар бир автотранспорт воситасига йўловчиларни мунтазам йўналишларда ташиш ҳуқуқини тасдиқловчи QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон гувоҳномалар бериш;

тендер ғолиби билан шартнома тузиш;

йўналиш талаби ва шартнома шартларига амал қилинишини назорат қилиш;

шартнома шартларига амал қилинмаслик ҳолатлари юзасидан далолатномаларни расмийлаштириш ҳамда белгиланган тартибда шартномани бекор қилиш чораларини кўриш.

5. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, тегишли равишда автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахс қатнашиши мумкин.

6. Шартноманинг амал қилиш даврида бир йўналишда фақат битта ташувчи хизмат кўрсатади. Йўналишнинг алоҳида жадваллари (муайян катновлари) бўйича хизмат кўрсатувчилар бундан мустасно.

7. Ташувчига тендер ўтказилмасдан йўналишда ишлаш ҳуқуқи берилишига йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

янги йўналиш очилгандан кейин узоғи билан икки ой мобайнида янги йўналишда йўловчи оқими ўрганилиши ва автотранспорт воситаларининг мунтазам синов ишлари бажарилиши;

кўча-йўл тармоғида кутилмаган вазиятлар шароитида, айрим участкалар, транспорт узеллари ва майдонлари ёпилганда вақтинчалик йўналишлар жорий этилиши;

ярмарка ва фестивалларнинг фаолият кўрсатиши даврида вақтинчалик йўналишларнинг ташкил этилиши.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолларда вақтинчалик йўналишларни ташкил этиш ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Вақтинчалик йўналишлар узоғи билан икки ой муддатга ташкил этилади. Вақтинчалик йўналишларни ташкил этиш ташаббуси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташувчилар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари чиқишлари мумкин.

8. Буюртмалар бўйича соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга ошириладиган ташиш хизматлари йўналишлари учун тендер ташкил этилмайди.

9. Йўналиш ташувчи хизматисиз қолиб кетган тақдирда мазкур йўналишни ваколатли орган биринчи мурожаат этган ташувчига унинг аризасига асосан навбатдаги тендергача, узоғи билан олтмиш кунгача вақтинча бириктириши мумкин.

10. Йўналиш қуйидаги ҳолларда ташувчи хизматисиз қолиб кетган деб эътироф этилади:

йўналишда хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома муддатидан аввал бекор қилинса;

йўналиш тендерга жойлаштирилмаган бўлса ёки тендерда лот бўйича талабгорлардан бирорта ҳам таклиф келиб тушмаса.

11. Йўналишни вақтинча бириктириш масаласидаги аризалар ваколатли орган томонидан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш жараёнида ташувчининг таклифлари йўналиш талабларига мувофиқ бўлган тақдирда йўналиш вақтинча бириктириб берилади.

12. Вақтинча бириктирилган йўналишлар ваколатли орган томонидан навбатдаги биринчи тендерга қўйилиши шарт.

13. Йўналишни ташувчига вақтинча бириктириш шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома расмийлаштирмасдан йўналишда хизмат кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

14. Йўналишда хизмат кўрсатиш юзасидан ташувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, йўналиш қайта тендерга қўйилади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришга рухсат берилмайди.

15. Ваколатли орган йўналиш талабларига ўзгартиришлар киритишга қарор қилса, йўналиш паспорти унга тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда қайта тасдиқланади. Йўналишга хизмат кўрсатиш юзасидан ташувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиши даврида йўналиш паспортига ўзгартириш ва қўшимчалар (йўналиш схемаси, ҳаракат жадваллари, қатнов сони, автотранспорт ҳамда тарифдаги ўзгаришлар) киритиш томонларнинг келишувига ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Тендер ўтказишнинг асосий тамойиллари ва тендерларни ташкил этиш тартиби**

16. Тендерни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

йўналишларни ташувчилар ўртасида, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар қонуний, холисона тақсимлаш;

йўловчилар транспорти хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш;

қатнашчилар тендер ҳужжатларида қайд этилган ягона талаблар ва йўловчилар ташиш қоидалари асосида рақобатлашиши;

тендерлар фақат ахборот тизими орқали электрон тарзда ўтказилиши;

тендерда энг манфатли шартларини таклиф этган ташувчига йўналишни бириктириш.

17. Йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан тендерлар ташкил этиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

18. Ваколатли органлар тендерга қўйиладиган йўналишлар (йўналишлар пакетлари ёки жадвали) рўyxатини тайёрлайди, лот талаблари, тендер предметини, тендер вақтини, тендер ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин ахборот тизимига киритади ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.

19. Ахборот тизимига жойлаштирилган йўналиш паспорти, эълон қилинган лотлар ва йўналишларга хизмат кўрсатувчи юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар очиқ маълумот ҳисобланади.

20. Лотга қуйидагилар қўйилиши мумкин:

алоҳида йўналишлар;

икки ва ундан ортиқ йўналишларни ўз ичига олган йўналишлар пакетлари;

узулиги камида 100 км бўлган йўналишларнинг алоҳида жадваллари (муайян қатновлари).

21. Йўналишлар пакетларини шакллантиришда йўналишларнинг аҳамияти ва рентабеллиги ҳисобга олинади. Пакетга юқори рентабелли йўналишлар билан бир қаторда аҳолига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган норентабел йўналишлар ёки ушбу йўналишларнинг алоҳида жадваллари (муайян қатновлари) киритилиши мумкин.

22. Йўналиш талаблари тўғри белгиланиши учун ваколатли органларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

23. Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими орқали тақдим этилади.

24. Талабгорлар томонидан тендер таклифларини тақдим этиш муддати тендер эълон қилинган кундан бошланиб, тендер ўтказиладиган санадан бир кун олдин тугайди. Тендер таклифларини қабул қилишнинг якуний санаси ва вақти ваколатли органлар томонидан белгиланади ва ахборот тизимда кўрсатилади.

Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин қабул қилинмайди.

25. Тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

26. Талабгор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида эълон бериш ҳаражатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида тўловни амалга ошириши керак. Маблағлар Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармасида жамланади ҳамда улардан йўналишларни ўрганиш, тендерлар ўтказишни ташкил этиш ва ўтказиш учун фойдаланилади.

27. Талабгорлар қуйидаги маълумотларни ахборот тизими орқали электрон тарзда юклаб олиши мумкин:

йўналиш паспорти;

лотга қўйилган йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар.

28. Ахборот тизимида тендер ўтказилгунга қадар тендернинг у ёки бу қатнашчиси томонидан юборилган таклифларни кўриш имконияти бўлмаслиги лозим.

### **3-боб. Тендер бўйича таклифлар мазмуни**

29. Тендер бўйича таклифлар қуйидаги кўрсаткичлар ва ахборотларни (мезонларни) ўзида акс эттириши лозим:



а) шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоят ичидаги шаҳарлараро йўналишлар бўйича:

лотга қўйилган йўналишларда, харажатларни тўлиқ қоплашни ҳисобга олган ҳолда, йўлқира учун қатнашчи томонидан таклиф этилаётган тарифлар даражаси;

автотранспорт воситасининг тоифаси (категорияси) (автобус, микроавтобус, енгил автомобиль) ва классификацияси ҳамда ишлаб чиқарилган йили;

автотранспорт воситасининг ташув учун таклиф қилинаётган умумий сифими (шу жумладан йўловчи ўриндиқлари сони);

йўналишдаги қатновларнинг таклиф этилаётган сони;

йўналишларда ишлаётганда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар режаси (агар мавжуд бўлса);

автобус ва микроавтобуснинг базавий комплектациясида йўловчиларга қўшимча қулайликлар мавжудлиги (агар мавжуд бўлса);

б) шаҳарлараро – вилоятлараро ва халқаро йўналишлар бўйича “а” кичик бандда қайд этилган мезонлар қўлланади (бешинчи хатбошидаги кўрсаткичдан ташқари).

30. Қатнашчи тендер бўйича таклифларнинг барча бандларига доир ҳаққоний, тўлиқ ва батафсил ахборот юборишга мажбур.

31. Тендер таклифларини юборишда йўналиш талабида белгиланганидан кўп ёки кам сонли автотранспорт воситаларини ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди.

32. Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзида бир нечта тугалланмаган лотларга ҳамда амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш муддати тугашига олтимиш ва ундан кам кун қолганида мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилади).

#### **4-боб. Тендер бўйича таклифларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш**

33. Ахборот тизимида лот бўйича камида бир қатнашчи томонидан таклифлар келиб тушса таклифлар баҳоланади.

34. Лот бўйича ташувчиларнинг таклифлари келиб тушмаса, ушбу Низомда белгиланган тартибда йўналиш талабгор чиққунига қадар, узоғи билан тўрт марта такрорий тендерга қўйилади. Агар тўртта тендерда лот бўйича бирорта ҳам таклифлар келиб тушмаса, ушбу йўналиш вақтинча тўхтатилиб турилади ва кейинги тендерларга қўйилмайди.

35. Агар шаҳар атрофи ёки вилоят ичидаги шаҳарлараро автобус йўналиши бўйича кетма-кет тўртта тендерда бирорта ҳам таклифлар келиб тушмаса мазкур йўналиш норентабель автобус йўналиши сифатида ҳисобга олинади (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳамда ташувчига вақтинча бириктирилган тақдирда белгиланган тартибда субсидияланади.

36. Агар лот бўйича фақат бир нафар қатнашчидан таклиф келиб тушса, унинг тендер таклифлари қўйилаётган талабларга мувофиқ бўлса мазкур қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади ҳамда йўналишда (йўналишлар пакетида ёки жадвалида) йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар қатнашчининг тендер таклифлари қўйилаётган талабларга мувофиқ бўлмаса, ахборот тизими томонидан рад этилади ва такрорий тендер ташкил этилиши керак. Бунда йўналишга (йўналишлар пакетида ёки жадвалга) қўйиладиган талабларнинг қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

37. Қатнашчилардан тендер бўйича келиб тушган таклифлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ махсус ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

38. Тендер бўйича таклифларни баҳолашнинг якуний бали ҳар бир қатнашчи бўйича аниқланади. Энг кўп балл тўплаган қатнашчи тендер ғолиби деб эътироф этилади. Агар баҳолаш натижаларига кўра бир нечта қатнашчи тенг баллар олган бўлса, у ҳолда ғолиб тенг баллар олган қатнашчиларнинг тендер таклифлардаги устувор мезонлардан келиб чиқиб аниқланади.

39. Тендерлар якунлари, хусусан қатнашчилардан келиб тушган таклифлар мазмуни, ҳисобланган баллар, қатнашчилар тўғрисидаги маълумотлар, таклифларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш натижалари ахборот тизимида сақланади.

40. Тендер натижалари бўйича маълумотлар Транспорт вазирлигининг расмий веб-сайтига тендер ўтиб бўлганидан кейин ўн беш иш куни ичида жойлаштирилади.

### **5-боб. Тендер ғолибининг таклифларида кўрсатилган маълумотлар ҳақиқийлигини ўрганиш**

41. Ваколатли орган тендер ғолибининг барча таклифларидаги маълумотлар ҳақиқийлигини ўрганишга ҳақлидир.

42. Тендер ғолибининг таклифлари ваколатли органнинг масъул ходимлари томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилади. Зарурият бўлганида таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнига Ички ишлар вазирлиги ходимлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари жалб этилишига йўл қўйилади.

43. Таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш вақти ва манзили тендер ғолиби ва ваколатли орган ўртасида олдиндан келишилади

ҳамда тендер ғолиби аниқланганидан кейин ўн кун ичида амалга оширилади. Таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнини очик ва шаффоф ташкил этиш мақсадида бошқа ташувчилар кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

44. Ваколатли органнинг масъул ходими ҳақиқийлигини ўрганишдан олдин тендернинг барча иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимига киритиши керак.

45. Тендер иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ваколатли орган масъул ходимлари келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганишда иштирок этмаслиги керак. Унинг ўрнига бошқа ходим келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш учун тайинланади. Масъул ходим томонидан аффилиланганлик тўғрисида киритилган маълумотлари ахборот тизимида махфий сақланади.

46. Таклифларнинг асослиги ва уларда келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганишга қуйидагилар инобатга олинади:

автотранспорт воситаси категорияси, классификацияси ҳамда ўриндиқлари сони ва ахборот тизимига киритилган бошқа маълумотлари ишлаб чиқарувчи томонидан берилган маълумотларга мос келиши;

автотранспорт воситасининг базавий комплектациясида йўловчиларга қўшимча қулайликларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг соғ ва функционал ҳолатдалиги;

агар автотранспорт воситаси лизинг асосида олинган бўлса, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

йўналишларда ишлаётганда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар режаси.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлардан бири ёки бир нечтасининг ҳақиқийлигини тасдиқланмаса, ташувчининг келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқланмаган мезон бўйича тўплаган барча баллари бекор бўлади.

47. Ваколатли орган тендер ғолибининг ахборот тизими орқали юборган таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

48. Ўрганиш натижалари ва тегишли фототасвирлар ваколатли орган томонидан ахборот тизимига киритиб-юкланади. Юкланган маълумотлар шартноманинг амал қилиш муддати якунланишига қадар сақланади.

49. Ваколатли орган ўтказилган ўрганиш натижаларидан норози бўлган тендер қатнашчиларига тушунтиришлар беришга мажбурдир.

## **6-боб. Тендер ғолиби билан ҳужжатларни расмийлаштириш ва бекор қилиш**

50. Тендер ғолиби томонидан лот бўйича таклиф қилинган автотранспорт воситаларининг ҳар бири учун лицензия варақалари саккиз кун муддат ичида расмийлаштирилиб бўлиши лозим.

51. Ваколатли орган билан тендер ғолиби ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи шартнома оммавий оферта шаклида ахборот тизимга тендер ғолиби аниқланганидан кейин ўн кун ичида автоматик тарзда жойлаштирилади. Тендер ғолиби беш кун ичида жойлаштирилган шартномани акцептлайди (таклифни қабул қилади).

52. Қуйидаги ҳолатларда очиқ тендер қатнашчисининг тендер ғолиблиги бекор қилинади:

лот бўйича таклиф қилинган автотранспорт воситалари бўйича маълумотлар ваколатли органга (олдиндан келишилган вақт ва манзилга) уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини ўрганиш учун тақдим қилинмаса;

автотранспорт воситаларининг ҳар бири учун лицензия варақалари белгиланган муддатларда расмийлаштирилиб бўлинмаса;

ахборот тизимига жойлаштирилган шартнома белгиланган муддатда сабабсиз акцептланмаса;

лот бўйича таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқланмаганлиги оқибатида тўпланган баллар кейинги қатнашчи тўплаган балларидан камайиб кетса.

Очиқ тендер қатнашчисининг тендер ғолиблиги бекор қилинган тақдирда энг кўп баллар миқдори бўйича кейинги қатнашчи тендер ғолиби деб эътироф этилади. Кейинги қатнашчининг тендер таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ҳам ушбу Низомнинг 5-бобида назарда тутилган тартибда ўрганилади.

53. Лот бўйича таклиф юборган ягона қатнашчининг ёки барча қатнашчиларнинг тендер ғолиблиги бекор қилинган тақдирда мазкур йўналиш бўйича белгиланган тартибда қайта тендерга қўйилади.

54. Электрон ахборот тизимидаги тендер якунлари асосида тендер ғолиби билан шартномалар тузиш ҳамда уларнинг талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назорат:

шаҳарлараро-вилоятлараро ва ҳалқаро йўналишлар бўйича – Транспорт вазирлиги томонидан;

шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоят ички йўналишлар бўйича – Транспорт вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

55. Шартнома тузилганидан сўнг тендерда ғолиб чиққан қатнашчининг лот бўйича таклиф қилган ҳар бир автотранспорт воситаси учун йўловчиларни мунтазам йўналишларда ташиш ҳуқуқини тасдиқловчи электрон гувоҳнома (кейинги ўринларда – гувоҳнома) ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

56. Гувоҳномалар QR-код (матрик штрихли код) билан ҳимояланган бўлади ҳамда тендер ғолиби томонидан ахборот тизими орқали юклар олинишига имконият яратилади.

57. Тендер ғолиби билан шартнома тендерда таклиф этилган автотранспорт воситаларининг ўртача ишлаб чиқарилган йили кўрсаткичларига мувофиқ, қуйида келтирилган табақалаштирилган муддатларга тузилади.

Тендерда таклиф этилган жами автотранспорт воситалари паркининг ўртача ишлаб чиқарилган йили:

2 йилгача бўлса, шартнома 5 йил муддатга;

3 йилдан 5 йилгача бўлса, шартнома 4 йил муддатга;

6 йилдан 8 йилгача бўлса, шартнома 3 йил муддатга;

9 йилдан 11 йилгача бўлса, шартнома 2 йил муддатга;

12 йил ва ундан ошқ (автобуслар учун 12 йилдан 14 йилгача) бўлса, шартнома 1 йил муддатга тузилади.

Автотранспорт воситалари паркининг ўртача ишлаб чиқарилган йили кўрсаткичи таклиф этилган автотранспортларнинг умумий ишлаб чиқарилган йилини автотранспорт сонига бўлиш орқали аниқланади.

Тендер ғолибининг ҳоҳишига кўра шартнома белгиланган муддатдан камроқ муддатга ҳам тузилиши мумкин.

58. Шартнома талаб ва шартлари тендер ғолибининг лот бўйича киритган таклифлари асосида шакллантирилади.

59. Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида олтмиш кун аввал йўналиш қайта очик тендерга қўйилиши юзасидан эълон қилинади.

60. Ташувчи томонидан шартнома талаб ва шартларига риоя қилмаслик ҳолати аниқланса, ваколатли органнинг масъул ходимлари томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

61. Қуйидаги ҳолларда ваколатли орган шартномани бир томонлама бекор қилиш юзасидан иқтисодий судга мурожаат қилади (шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса):

ваколатли орган масъул ходимлари ўтказган мониторинг натижаларига кўра тендер ғолибининг лот бўйича таклифлари ҳақиқий эмас деб топилса;

ташувчи шартнома талаб ва шартларини уч маротаба бузса;

ташувчининг лицензияси бекор қилинса, тугатилса ёки суд қарорига асосан ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатилса.

62. Шартнома муддатидан аввал бекор қилинган тақдирда ҳар бир автотранспорт воситасига берилган электрон гувоҳномалар бекор қилинади.

63. Тендерда таклиф этилган автотранспорт воситаларида турли сабабларга кўра қатновларни амалга ошириш имконияти бўлмаса, уларнинг

ўрнига камида шундай техник параметрларга эга ва тендер талабларига мос келадиган автотранспорт воситалари алмаштириш учун таклиф этилади. Ташувчи томонидан автотранспорт воситасини алмаштириш юзасидан асосланган таклифлар ваколатли органга тақдим этилади. Автотранспорт воситалари алмаштирилган тақдирда электрон гувоҳнома қайта расмийлаштирилади.

64. Тендер ғолиби лот бўйича таклиф этган тариф даражаси бўйича камида бир йил йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади.

65. Шартнома шартларига қўшимча ёки ўзгартиришлар томонларнинг қўшимча келишувига асосан киритилади. Шартнома шартларига ҳамда йўналиш паспортига қўшимча ёки ўзгартиришлар киритилиши амалдаги тендер ғолибининг тендерда тўплаган баллари камайиб кетишига олиб келмаслиги керак.

#### **7-боб. Яқунловчи қоида**

66. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

67. Электрон тарзда ўтказилган очик тендер яқунларидан норози бўлган тендер қатнашчилари белгиланган тартибда суд органларига мурожаат этишлари мумкин.

*Изоҳ. Мазкур илова 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.*

Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш бўйича СХЕМАСИ**

Босқичлар	Иштирокчилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ваколатли орган	Тендерга йўналишларни пакетлари ёки жадвали кўйиладиган (йўналишлар) белгилайди. Тендерга йўналишларни белгиланган тартибда ахборот тизимига жойлаштиради ва ОАВда эълон қилади. кўйилган (лотларни) ахборот тизимида ОАВда	Тендер ўтказилишидан камида 30 кун олдин
2-босқич	Тендерда қатнашиш истаги бўлган талабгор	Тендерда қатнашиш учун эълон берилган лотлар билан танишиб чиқади. Лот бўйича таклифларни ахборот тизими орқали юборади.	Тендер эълон қилинганидан бошлаб тендер ўтказилишига 1 кун қолгунга қадар
3-босқич	Ахборот тизими	Келиб тушган тендер таклифларни белгиланган тартибда автоматик тарзда баҳолайди. Лот бўйича ғолибларни аниқлайди Тендер яқунлари бўйича ҳисоботларни тақдим этади.	Тендер ўтказиш куни
4-босқич	Ваколатли орган	Тендер ғолибининг барча таклифларидаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини текширади.	Тендер ғолиби аниқланган кундан бошлаб 10 кун ичида
	Ахборот тизими	Тендер ғолибига шартномани акцептлаш учун жойлаштиради.	Тендер ғолиби аниқланган кундан бошлаб 10 кун ичида

Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

## Тендер бўйича таклифларга бериладиган баллар ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**саройдан фойдаланиш коэффициенти** — автотранспорт воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич;  
**минимал балл** — ташувчи томонидан юборилган таклифларнинг баҳоланиши натижасида тўпланиши зарур бўлган балл миқдори;  
**қатнашчи** — очик тендерларда қатнашиш учун таклифларни тақдим этган талабгор.

### 2-боб. Тендер бўйича таклифларни баҳолаш

2. Йўлкира учун қатнашчи томонидан таклиф этилаётган тарифлар даражаси қуйидаги жадвалга мувофиқ баҳоланади:

Йўналиш номи	Таклиф натижалари	балл
Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлардаги 1 йўловчи/км учун тарифнинг қатнашчи томонидан таклиф этилаётган даражаси	Таклиф этилган тариф талабдан 21% ва ундан паст	5
	Таклиф этилган тариф талабдан 10-20% оралиғида паст	4
	Таклиф этилган тариф талабга мос (4% гача юқори)	3
	Таклиф этилган тариф талабдан 5-10% гача юқори	2
	Таклиф этилган тариф талабдан 11-20% гача юқори	1
	Таклиф этилган тариф талабдан 21% ва ундан юқори	0
Шаҳар ички йўналишларида 1 йўловчи учун йўлқиранинг қатнашчи томонидан таклиф этилаётган тарифлар даражаси	Таклиф этилган тариф талабдан 21% ва ундан паст	5
	Таклиф этилган тариф талабдан 10-20% оралиғида паст	4
	Таклиф этилган тариф талабга мос	3
	Таклиф этилган тариф талабдан баланд	0



**Изоҳ.**

Йўналишдаги тарифнинг тендер қатнашчиси томонидан таклиф этилаётган даражаси учун — ташиш тарифи даражасини талаб қилинаётганга нисбатан пасайтиришнинг ҳар бир пункти учун ошиб боровчи коэффицентни қўллаган ҳолда беш балли тизим бўйича баҳоланади (бунда, мисол учун: тендер талабларида тариф даражаси 1400 сўм миқдоридан белгиланган. Қатнашчи томонидан тариф даражаси 1200 сўм миқдоридан таклиф этилган. Бундай ҳолатда тариф даражасига қуйидагича ҳисобланади:

$$100 \times 1200 : 1400 = 85,7$$

$$100\% - 85,7\% = 14,3 \%$$

бунда қатнашчи томонидан таклиф этилган 1200 сўм тариф даражаси талаб этилган даражадан 14,3 % камроқни ташиқил этмоқда. Жадвалнинг 1.2-банди бўйича таклиф этилган тариф талабдан 10-20% оралиғида паст бўлса, 4 балл берилиши белгиланган. Демак, таклиф этилган 1200 сўм тариф учун 4 балл ҳисобланади.

Шаҳар атрофи, шаҳарлараро йўналишлар талабида 1 йўловчи — км учун тариф даражаси 80 сўм миқдоридан белгиланган бўлса, аммо қатнашчи томонидан 90 сўм таклиф этилган бўлса ҳам юқоридаги формулага асосан ҳисобланади:

$$100 \times 90 : 80 = 112,5$$

$$100\% - 112,5\% = -12,5 \%$$

бунда қатнашчи томонидан таклиф этилган 90 сўм тариф даражаси талаб этилган даражадан 12,5 % кўпроқни ташиқил этмоқда. Жадвалнинг 1.1-банди бўйича таклиф этилган тариф талабдан 11-20% гача юқори бўлса, 1 балл берилиши белгиланган. Демак, таклиф этилган 1 йўловчи — км учун тариф даражаси 90 сўм бўлганда 1 балл ҳисобланади.

3. Қатнашчи томонидан таклиф этилаётган автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили қуйидаги жадвалга мувофиқ баҳоланади:

Кўрсаткич номи	Таклиф натижалари	балл
автотранспорт воситаси ишлаб чиқарилган йили (ишлаб чиқарилган йилдан бошлаб нечи йил ўтгани)	0 - 2 йил	10
	3 - 5 йил	7
	6 - 8 йил	6
	9-11 йил	5
	12 - 14 йил	3
	15 йил ва ундан ортиқ*	1

**Изоҳ.**

Қатнашчи томонидан таклиф этилган ҳар бир транспорт воситаси учун, унинг ишлаб чиқарилган йилига кўра ишлатилиши йиллари (неча йил ўтгани) учун белгиланган баллар жамланади ҳамда саройдан фойдаланиши

коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, техник ишлатиш тавсифига мувофиқ талаб қилинадиган транспорт воситалари сонига бўлинади.

Мисол учун: тендер талабларида йўналишда саройдан фойдаланиш коэффициенти 0,8 га тенг деб ҳисобга олган ҳолда 6 та транспорт воситаси бўлиши белгиланган. Қатнашчи томонидан тақдим этилган таклифларда 4 та автотранспорт воситаси учун (ишлатилиш йили 3 йил) балларнинг сони 7 баллдан  $(4 \times 7) = 28$  баллга ва 2 та автотранспорт воситаси учун (ишлатилиш йили 13 йил) балларнинг сони 3 баллдан  $(2 \times 3) = 6$  баллга тенг бўлади. Бундай ҳолатда транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили учун тендер бўйича таклифларнинг баҳоси  $[(28 + 6) : 6] = 5,66$  баллни ташиқил этади.

\*Ишлаб чиқарилганига 15 йил ва ундан ортиқ бўлган автобуслар баҳоланмайди.

Автотранспорт воситаларини ишлатилиш йилини (ишлаб чиқарилганидан неча йил ўтгани) аниқлашда автотранспортнинг гувоҳномасидаги ишлаб чиқариш йили маълумотидан (ишлаб чиқарилган ойдан қатъий назар) келиб чиқилади.

4. Қатнашчи томонидан таклиф этилаётган автотранспорт воситасининг ташув учун таклиф қилинаётган умумий сифими кўрсаткичлари (шу жумладан йўловчи ўриндиклари сони) қуйидаги жадвалга мувофиқ баҳоланади:

Мезон номи	Таклиф натижалари	балл
автотранспорт воситасининг умумий сифими (шу жумладан ўриндиклари сони)	Таклиф этилган кўрсаткич талабдан 11% ва ундан юқори	5
	Таклиф этилган кўрсаткич талабдан 5-10% оралиғида юқори	4
	Таклиф этилган кўрсаткич талаб этилган кўрсаткичга мос	3
	Таклиф этилган кўрсаткич талабдан 5-10% оралиғида паст	2
	Таклиф этилган кўрсаткич талабдан 11% ва ундан паст	1

### **Изоҳ.**

шаҳар, шаҳар атрофи йўналишларида автотранспорт воситасининг ташув учун таклиф қилинаётган умумий сифими бўйича баллар автотранспорт воситаларининг умумий йўловчи ўринлари сонига (ўриндиклар сонига) йўловчиларнинг туриш ўринлари сонини қўйиш асосида белгиланади.

Шаҳарлараро-вилоятлараро ҳамда шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида автотранспорт воситасининг ташув учун таклиф қилинаётган умумий сифими автотранспорт воситаларининг ўриндиклари сони асосида белгиланади.

Қатнашчи томонидан таклиф этилаётган сизими даражасини талаб қилинаётганга нисбатан кўпайтиришининг ҳар бир пункти учун ошиб борувчи коэффициентни қўллаган ҳолда беш балли тизим бўйича баҳоланади. Бунда, мисол учун: тендер талабларида автотранспортнинг умумий сизими кўрсаткичи 222 миқдорида белгиланган. Қатнашчи томонидан сизим кўрсаткичи 232 миқдорида таклиф этилган. Бундай ҳолатда сизим кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$100 \times 232 : 222 = 104,5$$

$$100\% - 104,5\% = -4,5\%$$

Бунда қатнашчи томонидан таклиф этилган 232 сизим даражаси талаб этилган даражадан 4,5 % кўпроқни ташкил этмоқда. Жадвалнинг 3-банди бўйича таклиф этилган сизим даражаси талабдан 5-10% гача юқори бўлса, 4 балл берилиши белгиланган. Мазкур ҳолатда 4,5 % кўрсаткичи 5% кўрсаткич деб ҳисобланади. Демак, таклиф этилган 232 сизим миқдори учун 4 балл ҳисобланади.

5. Йўналишдаги қатновларнинг қатнашчи томонидан таклиф этилаётган сони талаб этилган қатновлар сонига мос ёки ундан ортиқ бўлса, 3 балл ҳисобланади. Агар таклиф этилган қатновлар сони талаб этилган қатновлар сонидан кам бўлса, балл берилмайди.

Йўналишдаги қатновларнинг таклиф этилаётган сони бўйича баҳоланган фақат шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоят ичидаги шаҳарлараро йўналишлар учун татбиқ этилади.

6. Қатнашчи томонидан таклиф этилаётган автотранспорт воситаси (фақат автобус ва микроавтобус) талаб этилаётган категорияларга мос келса, 3 балл ҳисобланади. Агар таклиф этилган автотранспорт воситаси талаб этилаётган категорияларга мос келмаса, балл берилмайди.

7. Йўналишли такси йўналишлари учун энгил автомобилларнинг қатнашчи томонидан таклиф этилаётган класс (агар йўналишга энгил автомобиллар талаб этилаётган бўлса) кўрсаткичлари қуйидаги жадвалга мувофиқ баҳоланади:

Мезон номи	класс	изоҳ*	балл
йўналишли такси йўналишларида қатновларни амалга оширадиган энгил автомобилларнинг класс	А-митти	Matiz, Spark	2
	В- кичик	Cobalt, Nexia, Lada Largus,	3
	С-ўрта	Lacetti, Cruze, Epica,	4
	Д-катта/джип	Malibu, Toyota Camry, Captiva	5
	Е- минивэн	Orlando, Kia Carnival	4
	М-микровэн	Damas	2

#### **6-7-бандларга изоҳ.**

7-банд фақат йўналишли такси йўналишлари учун, агар йўналишга энгил автомобиль транспорти воситаси талаб этилаётган бўлса, татбиқ қилинади. Қатнашчи томонидан таклиф этилган автотранспорт

категориялари/класслари бўйича аниқланган баллар жамланади ва йўналиши бўйича талаб қилинаётган жадваллар сонига бўлинади. Мисол учун: лот талабларида йўналишида ишлаши учун тузилган 5 та жадвални автотранспортлар билан таъминлаш учун, саройдан фойдаланиши коэффициентини 0,8 га тенг деб ҳисобга олганда, автотранспорт сони  $(5 : 0,8) = 6$  та бўлиши белгиланган. Қатнашчи томонидан йўналишли такси йўналишлари учун 4 та Nexia ва 2 та Spark таклиф этилган тақдирда, балларнинг сони 4 та Nexia учун 3 баллдан  $(4 \times 3) = 12$  баллга ва 2 та Spark учун 2 баллдан  $(2 \times 2) = 4$  баллга тенг бўлади. Класслар бўйича баллар миқдори қўшилади ва талаб қилинган жадваллар сонига бўлинади  $[(12 + 4) : 5] = 3,2$  балл. Бундай ҳолатда транспорт воситаларининг классификацияси учун лот бўйича таклифларнинг баҳоси 4,4 баллга тенг бўлади.

Автобуслар ва микроавтобуслар учун 3 баллдан ҳисобланади, агар автотранспорт воситалари талаб этилган категорияларга мос келса. Мисол учун, қатнашчи томонидан таклиф этилган 10 та автобус категориялари талабга мос бўлса, барча баллар миқдори қўшилади ва талаб қилинган жадваллар сонига бўлинади  $[(10 \times 3) : 8] = 3,75$  балл. Бундай ҳолатда автобусларнинг категориялари учун лот бўйича таклифларнинг баҳоси 3,75 баллга тенг бўлади.

Транспорт воситаси категорияси (класслари) учун олинган балларга 1,15 миқдорда оширувчи коэффициент қўлланилади, агар транспорт воситаси тендер қатнашчисининг мулки бўлса. Бундан ташқари, транспорт воситаси категорияси (класслари) учун олинган балларга 1,15 миқдорда оширувчи коэффициент қўлланилади, агар транспорт воситаси электр қуввати билан ҳаракатланадиган, электродвигателининг қуввати 4 кВт ва ундан ортиқ ёки соатига 40 ва ундан юқори тезликка эга бўлган автомототранспорт воситаси бўлса.

Автотранспорт воситалари категориялари тўғрисида маълумот олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 237-сонли қарори билан муомалага чиқарилаётган Филдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентдан фойдаланилади.

\*) Ушбу йўриқноманинг 7-бандидаги енгил автомобиллар рўйхатида кўзда тутилмаган класслар ва улар бўйича табақалаштирилган баллар Транспорт вазирлиги томонидан мустақил белгиланади.

8. Қатнашчи томонидан таклиф этилаётган автобус ва микроавтобуснинг базавий комплектациясида йўловчиларга қўшимча қулайликлар мавжудлиги учун қуйидаги жадвалга мувофиқ коэффициент қўлланилади:

Мезон номи	Қўллаш учун коэффициент	
Автобус ва микроавтобуснинг комплектациясида йўловчиларга қўшимча базавий	кондиционер (иқлим-назорати тизими)	1,20
	интернет	1,15
	биоҳожатхона	1,10

қулайликлар мавжудлиги	автобуснинг ногиронларга ва аҳолининг бошқа ҳаракатланиши чекланган гуруҳларига мослашганлиги	1,10
	телефон қувватлагичлари	1,05
	ҳар бир ўриндикда монитор (планшет)	1,05
	бекатларни эълон қилиш аудио тизими	1,05

### **Изоҳ.**

Ушбу банд фақат 8 ўридан ошиқ автобуслар ва микроавтобуслар учун татбиқ этилади. Ташувчи қўшимча қулайликларни доим соз ва функционал ҳолатда сақланишини таъминлаш мажбуриятини олади. Банд билан белгиланган коэффицентлар миқдори ҳар бир автотранспорт учун алоҳида ҳисобланади.

Автотранспортлар талаб этилаётган категорияларга мос келганидан кейин уларнинг салонига қулайликлар яратилгани учун белгиланган шкала асосида

1 баллга нисбатан оширувчи коэффицент қўлланилади.

Мисол учун, ташувчи томонидан таклиф этилган 10 автотранспортларнинг барчаси кондиционер билан жиҳозланган, шундан 5 та автотранспортда интернет хизмати уланган ва 2 та автотранспорт ўриндиқлари мониторлар билан жиҳозланган. Бунда баллар қуйидагича ҳисобланади:

$$1 \times 1,20 = 1,2 \times 10 = 12 \text{ кондиционер учун балл}$$

$$1 \times 1,15 = 1,15 \times 5 = 5,75 \text{ интернет учун балл}$$

$$1 \times 1,05 = 1,05 \times 2 = 2,1 \text{ мониторлар учун балл}$$

Барча баллар қўшилади ҳамда таклиф этилган умумий автотранспорт сонига бўлинади:

$$(12+5,75+2,1) : 10 = 1,98$$

Демак, таклиф этилган 10 автотранспортда қўшимча қулайликлар яратилгани учун 1,98 балл ҳисобланади.

9. Йўналишларда ишлаётганда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатнашчи томонидан амалга оширилган тадбирлар режаси қуйидагича баҳоланади:

автотранспорт воситаларини ҳар куни рейсдан олдинги техник кўриқдан ўтказиш учун барча шароитларни яратганлик учун 1 балл;

ҳайдовчиларни ҳар кунги тиббий кўриқдан ўтказиш учун барча шароитларни яратганлик учун 1 балл;

таклиф этилган автотранспорт воситалари сонидан келиб чиқиб, барча ҳайдовчиларига 30 соатлик дастур бўйича Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатганлиги учун 1 балл;

таклиф этилган барча автотранспорт воситаларининг олд ойналарига видеорегистратор ўрнатганлик учун 1 балл;

таклиф этилган барча автотранспорт воситаларини “GPS” режимида масофадан кузатиш тизимига улаганлик учун 1 балл.

таклиф этилган барча автотранспорт воситаларини автоматлашган тўлов тизимига улаганлик учун 1 балл.

**Изоҳ.**

*Автотранспорт воситаларини ҳар куни рейсдан олдинги техник кўриқдан ўтказиш учун ҳамда ҳайдовчиларни ҳар кунги тиббий кўриқдан ўтказиш талаблари ҳақида маълумотлар учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 19 февралда 2560-сон билан рўйхатдан ўтган “Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарордан фойдаланилади.*

10. Барча мезонлар бўйича олинган баллар қўшилиб, умумий (якуний) балл аниқланади.

Агар баҳолаш натижаларига кўра бир нечта қатнашчи тенг баллар олган бўлса, у ҳолда ғалиб тенг баллар олган қатнашчиларнинг тендер таклифларидаги куйидаги устувор мезонлардан келиб чиқиб аниқланади:

№	Мезон номи (устуворлиги бўйича кетма-кетликда)
1	Автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили.
2	Автобус ва микроавтобуснинг базавий комплектациясида йўловчиларга қўшимча қулайликлар мавжудлиги.
3	Автотранспорт воситасининг ташув учун таклиф қилинаётган умумий сифими (шу жумладан йўловчи ўриндиқлари сони).
4	Йўналишларда ишлаётганда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар режаси.
5	Йўлқира учун қатнашчи томонидан таклиф этилаётган тарифлар даражаси
6	Автотранспорт воситасининг тоифаси ва классификацияси

11. Икки ва ундан ортиқ йўналишларни ўз ичига олган йўналишлар пакетларини баҳолашда баллар пакет ичидаги йўналишлар бўйича алоҳида ҳисобланади ҳамда умумлаштирилади.

12. Ташувчининг таклифлари йўналиш талабларига мувофиқлиги йўналиш бўйича йиғилиши зарур бўлган минимал балл тўпланганлиги билан аниқланади.

### **3-боб. Яқуний қондалар**

13. Тендерлар ўтказиш бўйича амалий тажриба тўпланишига қараб, Транспорт вазирлиги томонидан табақалаштирилган ва қўшимча балларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

14. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон  
Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон  
Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро  
йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон  
тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Автомобиль транспортида йўловчиларни мунтазам йўналишларда ташиш ҳуқуқини  
тасдиқловчи гувоҳнома**

### НАМУНАСИ



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI

\_\_\_\_\_ -son \_\_\_\_\_ -nomli

yoʻnalishda qatnovlarni amalga oshirish huquqini tasdiqlovchi

### GUVOHNOMA

Ushbu guvohnoma \_\_\_\_\_ ga  
(tashuvchining nomi)

guvohnoma egasi \_\_\_\_\_ dagi \_\_\_\_\_ -sonli  
(shartnoma sanasi va raqami)  
shartnomaga asosan

guvohnoma raqami \_\_\_\_\_ davlat raqami \_\_\_\_\_  
(avtotransport vositasi roʻyxatdan oʻtkazilganligi toʻgʻrisidagi maʼlumotlar)

rusumi \_\_\_\_\_ boʻlgan  
(yoʻnalishda qatnovchi avtotransport vositasiga tegishli maʼlumotlar)

avtotransport vositasida  
\_\_\_\_\_ - sonli \_\_\_\_\_ yoʻnalishda  
(yoʻnalish raqami va nomi)

\_\_\_\_\_ sanasigacha  
(guvohnomaning amal qilish muddati)

qatnovlarni amalga oshirish huquqiga egaligini tasdiqlaydi.

QR-kod



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “6” декабр даги 738 -сон қарорига  
2-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига кiritилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 108-модда):

а) 1-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикасида автобусларда ҳамда йўналишли таксида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 1-иловада:

6-бандда:

ўн бешинчи хатбошида “автобус” сўзи “микроавтобус” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“йўналиш паспорти (йўналиш ҳужжатлари) — йўналиш тўғрисидаги асосий маълумотларни тавсифловчи ҳужжатлар (йўналиш паспорти электрон шаклда бўлишига йўл қўйилади)”

қуйидаги мазмундаги йигирма еттинчи хатбоши қўшилсин:

“мунтазам йўналишлар – тасдиқланган йўналиш схемаси, ҳаракатланиш жадвали, йўл ҳақи тарифларига мувофиқ автотransпорт воситаларининг муайян манзиллар оралиғида белгиланган қатнов йўли”;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Янги йўналишларни ташкил этиш (очиш) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда:

а) шаҳарлар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги йўналишларда – Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг (кейинги ўринларда – Транспорт вазирлиги) ҳудудий бўлинмалари томонидан;

б) вилоятлараро-шаҳарлараро йўналишларда –Транспорт вазирлиги томонидан;

в) халқаро йўналишларда – Транспорт вазирлиги томонидан хорижий мамлакатларнинг транспорт соҳасидаги ваколатли органи билан келишган ҳолда амалга оширилади”;

10-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“10. Ҳар бир янгидан очиладиган ва фойдаланиладиган йўналишлар учун йўналиш паспорти йўналишнинг тегишлилиги бўйича Транспорт вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади (шу жумладан электрон тарзда) ҳамда унда қуйидагилар бўлади”;

19-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“шартномага мувофиқ ушбу йўналишда автотранспорт воситасига катновларни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномага”

в) 2-иловада:

1-бандда:

биринчи хатбошига “автобусларда” сўзидан кейин “ҳамда йўналишли таксида” сўзлари қўшилсин;

2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“янги автобус йўналишлари очиш ва ишлаб турганларидан фойдаланишни давом эттириш тўғрисида қарорлар қабул қилувчи Транспорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари”;

учинчи хатбошида “транспорти билан автобусда” сўзлари “автотранспорти билан” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

биринчи хатбошида “автобусларда” сўзи “мунтазам йўналишларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошида “контрактларига” сўзи “шартномаларига” сўзи билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Йўловчиларни мунтазам йўналишларда ташиш ҳуқуқига ваколатли орган билан йўналишларида йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи шартномани тузган ташувчи эга бўлади.

Йўловчиларни мунтазам (йўналишли) ташиш йўналишларида шартнома тузмасдан ишлашга йўл қўйилмайди”;

23-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларда 400 км ва ундан узоқ йўналишларда автотранспорт воситаларида йўловчилар ташишни бир ҳайдовчи билан ташкил этиш тақиқланади”;

61-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“61. Очилиши режалаштирилаётган йўналишларининг ҳаракат ҳафсизлиги талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари томонидан тасдиқланадиган

манфаатдор ташкилотлар (транспорт, йўл, коммунал ва бошқа), шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси вакилларида иборат комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Комиссиялар аъзолари ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлаб турган ва янгидан очилаётган йўналишларнинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун шахсан жавобгар бўладилар.

Комиссиялар янги йўналиш очиш юзасидан қуйидаги чораларни амалга оширади:

- а) йўналиш бўйича йўловчиларнинг ташишга бўлган эҳтиёжини аниқлайди;
  - б) ҳаракат схемасини белгилайди ва автомобиль йўли шароитини ўрганади ҳамда йўналишни қонунчиликда белгиланган ҳаракат хавфсизлиги талабларига мос бўлишини аниқлайди;
  - в) йўналиш бўйлаб синов қатновларини амалга оширади;
  - г) йўналишни очиш ёки очмаслик юзасидан асосланган хулоса тайёрлайди”;
- 64-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“64. Текшириш натижаларига кўра йўналишларнинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида комиссиянинг хулосаси берилади. Хулосага, шунингдек, ҳаракат шароитларини яхшилашга ва йўналишда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган ва истикболдаги тадбирларни ўтказиш бўйича комиссиянинг таклифлари ҳам киритилади. Текшириш хулосаси йўналиш ҳужжатлари билан биргаликда бир нусхаси Транспорт вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида ва иккинчи нусхаси ташувчида сақланади”;

IX боб номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“IX. Умумий фойдаланиладиган йўналишларни очиш, ёпиш ва вақтинча тўхтатиб туриш”;

қуйидаги мазмундаги 67<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“67<sup>1</sup>. Янги йўналишларни очиш бўйича ташаббус қуйидагилар томонидан берилади:

- а) ташувчилар;
- б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари;
- в) янги очилган йўналишларнинг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича комиссиялар;
- г) Транспорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- д) фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари;
- е) хорижий давлатларнинг транспорт соҳасидаги ваколатли органи ва ташувчилари (халқаро йўналишлар учун)”;

68-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“68. Янги йўналишларини очишда йўл ҳаракати хавфсизлиги мақсадида темир йўлдан кесиб ўтишни инкор қилувчи ечим изланиши керак. Агар бунинг иложи бўлмаган тақдирда автотранспорт воситаларининг темир йўл кесишмаси орқали ҳаракатланишига йўналишни текширувчи комиссия тақдимномасига кўра, темир йўл бошлиғи ёки темир йўллари кесиб ўтиш йўллари тасарруфида бўлган ташкилот раҳбарининг рухсати билан йўл қўйилади.

Шаҳарларда умумий узунлигига кўра бир-бирини 50 фоиздан кўп бўлган масофа оралиғида такрорловчи автобус билан йўналишли такси йўналишлари очилишига йўл қўйилмайди”;

Шаҳар ва шаҳар атрофида янги йўналишларни ташкил қилишда йўналиш схемаси бир-бирини 50 фоиздан кўп бўлган масофа оралиғида такрорлаш ҳолатларини инкор қилувчи ечим изланиши керак. Бунда автобус йўналишлари устувор аҳамиятга эга бўлади.

69-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“69. Вақтинчалик (мавсумий) йўналишлари, агар:

паст қопламали йўллар бўйлаб автотранспорт ҳаракатини очиш талаб этилса;

автотранспортларнинг оғирлик параметрлари ва ҳажмларининг автомобиль йўллари ҳақиқий тоифаларига мувофиқлигини таъминлаш имконияти бўлмаса;

автомобиль йўллари, кўчалар участкалари бўйлаб, сунъий иншоот, темир йўлдан кесиб ўтиш йўллари ва паром орқали ўтиш бўйича уларнинг техник ҳолати, муҳандислик ускуналари, сақлаш даражаси норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқилганда автотранспорт ҳаракатини очиш зарур бўлганда ташкил этилиши мумкин”;

70-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“70. Вақтинчалик йўналишларни очишда йўналишнинг амал қилиш муддати (даври), шунингдек автотранспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташувчилар, йўл, коммунал ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар комплекси аниқ кўрсатилиши керак”;

71-бандда “автобус йўналишини” сўзлари “йўналишларни” сўзи билан алмаштирилсин;

72-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“72. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда (табiiй ҳодисалар сабабли йўллар, йўл иншоотлари бузилиши, йўл ёки метеорология шароитларининг ҳаракат хавфсизлиги таъминлаб бўлмайдиган даражагача ёмонлашиши, иссиқлик, газ, электр коммуникацияларида ва бошқа коммуникациялардаги авариялар) ташувчилар, йўл, коммунал ташкилотлар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ёки Транспорт

вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари автотранспортлар ҳаракатини дарҳол тўхтатиш ҳуқуқига эгадирлар, айти пайтда бу ҳақда тегишли ташувчилар, йўл, коммунал хўжалиги ташкилотларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларига хабар берилади.

Автотранспорт ҳаракатини вақтинча тўхтатиш тартиби йўналишларни очиш ва ёпиш ваколатлари берилган органлар томонидан белгиланади”;

74-бандда “автобус йўналишларининг” сўзлари “йўналишларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

75-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“75. Автобус йўналишларини текшириш бўйича комиссия таркиби маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қарорлари билан тузилади.

Комиссиялар хулосалари асосида йўналишни очиш бўйича қарорлар йўналишнинг тегишлилиги бўйича:

а) шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоятлар ичидаги йўналишларда – Транспорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари;

б) шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларда – Транспорт вазири томонидан қабул қилинади”;

қуйидаги мазмундаги 76-банд билан тўлдирилсин:

“76. Ваколатли органнинг йўналишни очиш бўйича ижобий қарорига асосан йўналишлар ҳужжатлари (паспорти) ишлаб чиқилади.

Мунтазам йўналишлар йўл, об-ҳаво ва бошқа шароитлар оқибатида ҳамда узоқ давр мобайнида (камида 1 йил) ташувчисиз қолган тақдирда вақтинча тўхтатиб турилади.

Мунтазам йўналишларни вақтинча тўхтатиб туриш бўйича қарорлар йўналишларни очиш ва ёпиш бўйича ваколатга эга орган томонидан қабул қилинади”;

қуйидаги мазмундаги X боб қўшилсин:

“X. Автобус ҳайдовчилари томонидан меҳнат ва дам олиш тартибига риоя қилинишини назорат қилиш”

77. Автобусда ташувларни амалга оширувчи корхоналар кўл остидаги барча ҳужжатлардан: ҳайдовчининг иш графиги, йўл варақаси, шахсий назорат китобчаси, тахограф ёзувларининг таҳлили натижаларидан фойдаланган ҳолда автобус ҳайдовчисини бошқарув вақти, иш ва дам олиш вақтини назорат қилиб боради. Меҳнат ва дам олиш тартиби бузилган ҳолларда корхона дарҳол уларни бартараф этиши ва келгусида уларга йўл қўймаслиги керак.

78. Автобуслар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида иш берувчи томонидан ҳайдовчиларни йўналишдаги ҳаракат вақтида чарчоғини аниқлаш қурилмалари билан жиҳозланиши зарур.

79. Ҳайдовчининг меҳнат ва дам олиш тартибини таъминламаган иш берувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

80. Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган ва белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган тахографлардан фойдаланишга рухсат этилади. Линияга тахографи йўк ёки тахограф носоз ҳолда автобусларни чиқарган иш берувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

81. Корхона ҳайдовчининг ҳақиқий ишлаш ва дам олиш тартибини тасдиқловчи ҳужжатларни, тахограф ёзувларини, фойдаланилган шахсий назорат китобчаларини охириги ёзув қайд этилган кундан бошлаб ўн икки ой давомида сақлаши ва назоратчи талабига мувофиқ унга тақдим этиши керак.

82. Ҳар бир автобус ҳайдовчиси кун давомида шахсий назорат китобчасига дам олиш соатларини қайд этиб бориши керак. У ўз ёнида назорат китобчасини олиб юриши ва назоратчи талабига кўра тақдим этиши шарт. Агар автобус электрон ёки рақамли назорат мосламаси (тахограф) билан жиҳозланган бўлса, назорат китобчаси бўлиши талаб этилмайди.

83. Автобус ҳайдовчиларининг сменалар орасидаги дам олиш вақтини аниқлаш йўл varaқасидаги ҳақиқий гараждан чиқиш маълумотлари билан аввалги кун учун гаражга кириб келганлик маълумотларини таққослаш йўли билан Чипта-ҳисоб ва йўл varaқаларини тўлдириш бўйича йўриқномага мос равишда амалга оширилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 13-бандда “б” кичик бандининг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“автомобиль ташувлари йўналишларини тендер бўйича амалга ошириш механизмларини такомиллаштиради, шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни белгиланган тартибда ташкил этади, йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи намунавий шартномаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди”;

б) 19-бандда “4” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4) тегишлилиги бўйича шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни белгиланган тартибда ташкил этади;”.

*Изоҳ. Мазкур илова 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “6” декабр даги 738 -сон қарорига  
3-илова

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотаётган айрим қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳар йўловчилар транспортида очик тендерлар ташкил этиш ва уларни ўтказиш масалалари тўғрисида” 1998 йил 17 августдаги 350-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш автомобиль транспортида очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш масалалари тўғрисида” 1999 йил 29 июлдаги 368-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2000 йил 24 октябрдаги 412-сонли қарорига илованинг 10-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиль транспорти соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 5 июндаги 245-сон қарорига 9-илованинг 4-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида” 2006 йил 9 мартдаги ПҚ–303-сон қарори)” 2006 йил 29 майдаги 98–сон қарорига 1-илованинг 1- ва 2-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 16 февралдаги 34–сон қарорига 1-илованинг 1- ва 2-бандлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон Фармони)” 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 10- ва 13-бандлари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” 2017 йил 25 апрелдаги 238–сон қарорига 1-илованинг 1- ва 2-бандлари.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон фармони)” 2017 йил 16 августдаги 638–сон қарорига 1-илованинг 6- ва 8-бандлари.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармони)” 2018 йил 3 майдаги 321–сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ташишларда хорижий автоташувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 15 декабрдаги 1022-сон қарорига 1–илованинг 3-банди.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 9 июндаги 434–сон қарорига 6-илованинг 1- ва 2-бандлари.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сонли қарорига илованинг 14-банди.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон қарори) 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорига илованинг 5- ва 6-бандлари.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида



(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 мартдаги ПКҚ-4230-сон қарори)” 2020 йил 8 майдаги 271-сонли қарорига 1-илованинг 3- ва 4-бандлари.

*Изоҳ. Мазкур илова 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.*

